

Ўктам ПАЛВАНОВ,
ЎзХИА “Исломшунослик ва ислом
цивилизациясини ўрганиш ISESCO”
кафедраси ўқитувчиси



“САҲИҲ АЛ-БУХОРИЙ”НИНГ САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ ОРҚАЛИ ЎТГАН “ИЖОЗА”СИ ХУСУСИДА

Мемурийлар даврининг машҳур қому-
лсий олимларидан бири аллома Саъдуд-
дин Тафтазоний саналади. Алломанинг тўлиқ
исми Масъуд ибн ал-Қози Фахруддин Умар ибн
ал-Мавло ал-Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн
ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин
ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Таф-
тазоний ал-Хуросоний ал-Ҳанафий бўлиб, у
Хуросоннинг Насо (ҳозирги Ашхобод) шаҳри-
даги Тафтазон қишлоғида туғилган. У наҳв,
сарф, маоний, баён, усул ал-фикҳ ҳамда фуруъ
ал-фикҳ (ҳанафий ва шофий), мантиқ, ақида,
тафсир, ҳадис ва бошқа шу каби илм соҳалари
бўйича йирик олимлардан ҳисобланади.

Саъдуддин Тафтазоний замонасининг та-
ниқли олимларидан турли илм соҳалари бўй-
ича таҳсил олиб, устозларидан муайян асар-
ларга “ижоза”лар ҳам олган. Бугунги кунгача
алломанинг айнан қайси китобларга устозла-

ридан “ижоза”лар олганлиги ҳақида батафсил
маълумотлар етиб келмаган бўлса-да, уларнинг
баъзиларини алломанинг ўзи эътироф этган.
Хусусан, у “Арбаъин ан-Нававий” асарига олган
“ижоза”сини алоҳида таъкидлаб ўтган⁴. Чунон-
чи, алломада “Саҳиҳ ал-Бухорий” бўйича ҳам
“ижоза” бўлган.

Дарвоқе, муайян асар бўйича “ижоза” бе-
риш тартиби ўша давр таълим тизимининг энг
муҳим ва афзаллик жиҳати ҳисобланади. “Ижо-
за” одатда, муаллифнинг шахсан ўзи ёзган ки-
тобига ёки устоз томонидан бошқа муаллиф
асари бўйича ўзида мавжуд ижозани шогирди-
га бериши бўлиб, унинг оғзаки ва ёзма шакли
бор. Бу эса, муайян манба моҳиятини аниқ ту-

⁴ Қаранг: Саъдуддин Масъуд ибн Умар ибн Абдул-
лоҳ ат-Тафтазоний. Шарҳ ат-Тафтазоний ало ал-Аҳодис
ал-арбаъин ан-нававийя / Таҳқиқ муаллифи: Муҳаммад
Ҳасан Муҳаммад Ҳасан Исмоил. – Байрут: Дор ал-кутуб
ал-илмия, 2004. – Б. 23.

шунганлик ва уни бошқаларга асл ҳолда ўргата олиш малакасига эгалиги ҳақидаги ўзига хос ишонч-рухсатни англатади ҳамда устоз ва шогирд ўртасидаги илм занжири вазифасини бажаради. Масаланинг айна шу жиҳати шаръий илмлар ва манбаларни ўрганиш ҳамда уларни асл ҳолида ўргатиш ҳақида гап кетганда ўта долзарб аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳам, бу хусусиятларга олимлар томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинган. Хусусан, ҳолатнинг муҳимлиги борасида машҳур муҳаддис олимлардан Имом ад-Доримий (181–255/798–869) ва Имом Муслим (206–261/821–875) ўзларининг ҳадис тўпламларида Абу Бакр Муҳаммад ибн Сийрин (ваф. 110/729 й.)дан қуйидаги ривоятни келтирганлар⁵:

“Дарҳақиқат, бу илм – диндир. Шундай экан, динингизни кимдан олаётганингизга эътибор қаратинглар”.

Хуллас, шаръий илмлар таълимидаги ушбу жиҳатга эътибор берилмаган ҳолатларда ўзаро турли тушунмовчилик ва фитналарнинг юзага келиши табиийдир. Бунга ўтмишда содир бўлган ҳодисалар ва бугунги кун воқелиги далил бўлади.

Бугунги кунгача Саъдуддин Тафтазонийнинг турли илм соҳаларига оид элликдан ортиқ асарлари аниқланган. Айна пайтда, у Хуросон ва Мовароуннаҳр илм даргоҳларида маҳаллий ҳамда бошқа минтақалардан келган талабаларга таълим берган. Шу аснода, аллома баъзи муносиб шогирдларига нафақат ўзининг асарларига хос, балки ўзидаги бошқа муаллифларнинг китобларига оид силсилаларга ҳам умумий ижозалар берган. Ўз навбатида, алломанинг шогирдларидан таниқли олимлар ва шайхулислом, қозиулқузот ҳамда қози каби мансабдорлар ҳам етишиб чиққан.

⁵ Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ас-Самарқандий ад-Доримий. Муснад ад-Доримий. – ар-Риёд: Дор ал-Муғний, 1421/2000. – Б. 398-399; Имом Муслим ибн Ҳажжож Ал-Қушайрий. Сахиҳу Муслим. – Ар-Риёд: Дор Тойиба ли ан-нашр ва ат-тавзиъ, 1426/2005. – Б. 8.

Жумладан, Султон Боязидхон ибн Султон Муродхон Усмонли империяси тарихида “Шайхулислом” лавозимини таъсис этиб, унга Саъдуддин Тафтазонийнинг энг яқин шогирдларидан бири ҳисобланган Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамза ал-Фанорий ар-Румий ал-Ҳанафий (751–834/1350–1431)ни тайинлаган⁶. Шамсуддин Муҳаммад ал-Фанорий эса, ҳанафий-мотуридий олими бўлиб, у айна пайтда ушбу устозининг китобларидан нусхалар кўчириш билан ҳам шуғулланган эди⁷. Албатта, шогирдларнинг бу каби юқори мақом ва даражаларга эришишида устозидан олган “ижоза”лари муҳим ўрин тутган. Акс ҳолда, улар нафақат ўзларига замондош, балки кейинги давр олимлари томонидан ҳам эътироф этилмаган бўлардилар. Бу эса, ушбу мавзунинг нақадар долзарблигига бир тарихий илмий далилдир. Чунончи, Саъдуддин Тафтазоний томонидан берилган “ижоза” матнларининг баъзилари бугунги кунгача сақланиб қолган бўлса, уларнинг аксари библиографик манбаларда келтирилган ёки “ижоза” олганларнинг ўзлари томонидан қисқача эътироф этилган. Жумладан, у ўзининг асарлари бўйича Имомуддин ал-Ғиждувонийга Хоразмда берган “ижоза” матнининг қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида № 3504 остида сақланмоқда.

Шунингдек, ҳанафий мазҳабининг таниқли олимларидан бири Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода (901–968/1495–1561) “Мифтах ас-саъада ва мисбаҳ ас-сияда фи мавзуаът ал-улум” номли асарида араб тили бўйича Мавлоно Жалолуддин Юсуф ибн Рукнуддин Масиҳ ас-Самарқан-

⁶ Шихобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. – Ж. VI. – Б. 110.

⁷ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Аш-Шақиқ ан-нуъмония фи уламои ад-давлат ал-усмония. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1975. – Б. 16-21.

дий ва Қутбуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳаравийлардан таълим олганлигини таъкидлаб ўтган. Шу ўринда, у устози Жалолуддин Юсуфнинг Саъдуддин Тафтазонийдан ҳижрий 792 йил муҳаррам ойининг охирида (1390 йил январь ойи) Самарқандда олган “ижоза” матнини ҳам келтирган. “Ижоза” матнида Саъдуддин Тафтазоний ушбу шогирдига ўзи ўрганган ва тинглаган манбалари бўйича ўзида мавжуд ижозаларга умумий ҳамда ўзининг “Шарҳ ал-Кашшоф”, “ал-Мифтах” ва бошқа асарларига хос “ижоза” берганлиги баён этилган⁸. Гарчи мазкур матнда аллома “Саҳиҳ ал-Бухорий” номини алоҳида келтирмаган бўлса-да, аслида у ўзидаги мавжуд “ижоза”ларни умумий тарзда берганлиги “Саҳиҳ ал-Бухорий”ни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, Абулхайр Исомуддин Аҳмад “аш-Шақоик ан-нуъмония” номли бошқа бир асарида эса, ўзининг “Саҳиҳ ал-Бухорий” бўйича “ижоза” силсиласини келтириб ўтган⁹. Бу силсиланинг бир йўли эса, аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг “Тож аш-шайх” номи билан танилган шогирди Бурҳонуддин Ҳайдар ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Хавофий ал-Ҳаравий ар-Румий ал-Ҳанафий (780–854/1378–1450) орқали Усмонли турклар империяси ҳудудига ёйилган эди. Жумладан, у қуйидаги тартибда келган: Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Халил Тошкўпризода (901–968/1495–1561) отаси Мавлоно Муслиҳуддин Мустофа ибн Халил (855–935/1451–1529)дан¹⁰, у “Ҳожизода” номи билан танилган, Султон Муродхон ҳукмронлиги даврида муфтий бўлган Мавлоно Муслиҳуддин Мустофа ибн Юсуф ибн Солиҳ

ал-Бурсавий (ваф. 893/1488 й.)дан¹¹, у Мавлоно Фаҳруддин ал-Ажамий (ваф. 864/1460 й.)дан, у Бурҳонуддин Ҳайдар ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Хавофий ал-Ҳаравий ал-Ҳанафий (780–854/1378–1450)¹²дан, у эса алломадан “Саҳиҳ ал-Бухорий” асарига “ижоза” олган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Саъдуддин Тафтазоний ўзининг асарлари билан инсонларга манфаат келтирган ҳанафий-мотуридий мазҳабининг энг машҳур олимларидан бўлиб, у ўзининг илмий мероси ва шогирдлари орқали мотуридия таълимотининг кенг ёйилишида муҳим мавқени эгаллаган эди. Алломанинг ўша давр таълим тизимидаги “ижоза” услубини қўллаганлиги бир жиҳатдан манбалар моҳиятини тўғри англаш ва уларни асл, соф ҳолда ўргатиш орқали турли эҳтимолий тушунмовчилик ва ихтилофларнинг олдини олишга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан шу орқали ўзининг асарлари ва бошқа муаллифларнинг китоблари дунё бўйлаб кенг ёйилишига тurtки бўлган. Чунончи, “Саҳиҳ ал-Бухорий” силсиласининг Усмонли турклар империяси ҳудудига кенг ёйилишида алломанинг ўрни катта бўлган. Дарвоқе, “Саҳиҳ ал-Бухорий” бўйича бугунги кунда мавжуд “ижоза”лар ва уларнинг силсилаларини илмий асосда ўрганиш нафақат асар ривоятида муҳим, балки ундаги ҳадисларни тўғри англаш ва талқин этишда ҳам катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

⁸ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. – Ж. II. – Б. 133–134.

⁹ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Аш-Шақоик ан-нуъмония. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий, 1975. – Б. 38.

¹⁰ Шихабуддин Абулфаллах Абдулхай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ад-Дамашқий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Дор ибн Касир, 1986. – Ж. X. – Б. 296.

¹¹ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Аш-Шақоик ан-нуъмония. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – Б. 114–124.

¹² Исмоил Пошо ибн Муҳаммад Амин ибн Мир Салим ал-Бобоний ал-Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. Дор ихё ат-турос ал-арабия, 1951. – Ж. I. – Б. 341–342.

